

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И**

2021 йил сентябрь ойининг 28 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати суд биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: XXX,

ҳайъат аъзолари, судьялар: XXX ва XXXлардан иборат таркибда, XXXнинг котиблигида, таржимон XXX ва жавобгар вакили XXXнинг иштирокида, даъвогар XXXнинг жавобгар XXXга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъвоси юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2020 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 17 февралдаги ажримига нисбатан жавобгар вакили XXX келтирган кассация шикоятини иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Даъвогар XXX судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар XXXдан қарз учун 4.670.000 сўм ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 17 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2020 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, жавобгар XXXдан даъвогар XXXнинг фойдасига қарз учун 4.670.000 сўм ва суд харажати учун 238.610 сўм, жами 4.908.610 сўм ундирилган.

Жавобгар вакили XXX келтирган кассация шикоятда, суд ҳужжатларини бекор қилиб, янги ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, жавобгар вакилини тушунтиришини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 3-бандига биноан ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади.

Иш ҳужжатларига кўра, XXX ундан XXX 2020 йил 24 январда 15 кун ичида қайтариш шарти билан 400 АҚШ доллари ва 870.000 сўм қарз

олинганлигини, бироқ ҳозирги кунгача қайтармаганлигини кўрсатиб, унинг фойдасига ХХХдан қарз учун 4.670.000 сўм ундиришни сўраб, ушбу ҳолатни исботи сифатида ХХХ томонидан 2020 йил 24 январда ёзилган тилхатни судга тақдим қилган.

Судлов ҳайъатида жавобгар вакили ХХХ қизи ХХХ аслида 2020 йил 24 январда ёзилган тилхатга асосан 100 АҚШ доллари олганлигини, бироқ, ХХХ тақдим қилган тилхатда 400 АҚШ доллари деб кўрсатилиб, ушбу тилхатга ўзгартириш киритилганлигини баён қилиб, эътироз келтирган.

Шунга кўра, мазкур ҳолатга аниқлик киритиш учун судлов ҳайъати томонидан судга оид хатшунослик техник экспертизаси тайинланиб, уни ўтказиш Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг экспертлари зиммасига юклатилган.

Х.Сулайманова номидаги РСЭМнинг 2021 йил 9 сентябрдаги хулосасига кўра, ХХХ томонидан 2020 йил 24 январда бажарилган тилхатдаги 400 АҚШ доллари ёзувининг “4” рақами кўшимча штрихлар ёрдамида ўзгартириш киритилганлиги, дастлабки рақам “1” бўлганлиги кўрсатилган.

Бундан кўринадики, ХХХ аслида 2020 йил 24 январда ёзилган тилхатга асосан 400 АҚШ доллари эмас, балки 100 АҚШ доллари қарз олган.

Суди ишни кўрган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ставкаси бўйича 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 10.129,56 сўмни ташкил этган. Шунга кўра, 100 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 1.012.956 сўм бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 735-моддасига биноан, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Аниқланган ҳолатга жавобгар даъвогардан олган 100 АҚШ доллари ва 870.000 сўм қарзини белгиланган муддатда қайтармаган.

Судлар жавобгардан даъвогар фойдасига қарзни ундариш ҳақида тўғри тўхтамга келган бўлса-да, бироқ жавобгардан даъвогар фойдасига 2020 йил 24 январда ёзилган тилхатга асосан 400 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати ундирганлиги асоссиз бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддасига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгартиришга ҳақли.

Судлов ҳайъати юқоридаги ҳолатларга биноан суд ҳужжатларини ўзгартириб, жавобгар ХХХдан даъвогар ХХХнинг фойдасига 100 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 1.012.956 сўм ҳамда 870.000 сўм жами 1.882.956 сўм ундиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 138-моддасига кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради.

Агар юқори турувчи инстанция суди ишларни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарорини қабул қилса, у суд харажатлари тақсимотини тегишинча ўзгартиради.

Шунингдек, жавобгар ХХХ судга оид хатшунослик техник экспертизасини ўтказиш учун 2021 йил 17 августдаги тўлов квитанцияларга асосан жами 784.000 сўм тўлаган.

Жавобгар ХХХнинг шикояти қаноатлантирилган боис, даъвогар ХХХдан жавобгар ХХХнинг фойдасига экспертиза харажати учун тўлаган 784.000 сўмни ундиришни лозим деб топди.

Судлов ҳайъати суд харажатлари қўйи инстанция судлари томонидан тўғри ундирилганлигини инобатга олади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддасини қўллаб, судлов ҳайъати

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг 2020 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 17 февралдаги ажрими қуйидагича ўзгартирилсин.

Жавобгар ХХХдан даъвогар ХХХнинг фойдасига қарз учун 1.882.956 сўм ундирилсин.

Даъвогар ХХХдан жавобгар ХХХнинг фойдасига экспертиза харажати учун тўлаган 784.000 сўм ундирилсин.

Кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: ХХХ

ҳайъат аъзолари: ХХХ

ХХХ